

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
КАФЕДРА: ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ, ПЕДАГОГИКА ВА
ПСИХОЛОГИЯ**

Касбий таълим йўналиши 7 курс талабаси

Пўлатова Гавҳар Фархадовнанинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***МАВЗУ:* Тиббиёт олий ўқув юртларида замонавий дарсларни ташкил
қилиш**

***Илмий раҳбар:* Мирзаева Ш.Р.**

Тошкент-2010

ТошПТИ «Касбий таълим» йўналиши 7- курс талабаси

Ўлатова Гавҳар Фархадовнанинг

«Тиббиёт олий ўқув юртларида замонавий дарсларни ташкил қилиш» мавзусидаги битирув малакавий ишига

АННОТАЦИЯ

Ишнинг долзарблиги. Ҳозирги ривожланиб келаётган ёш авлоднинг ақлий савиясини, тафаккурини ва маънавиятини юқори даражада ошириш учун ҳам ўқув жараёнини кўпроқ замонавий ўқитиш шакллари ва усулларидан фойдаланган ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Тиббий таълимда ўқитиш жараёни педагогик технологиялар, турли хил интерфаол усуллар ва инновацион технологиялар ёрдамида олиб борилса талабаларнинг билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиши ортади ва натижада ўқув самарадорлиги таъминланади.

Ишнинг мақсади: Битирув малакавий ишининг мақсади тиббиёт олий ўқув юртларида замонавий дарсларни ташкил қилиш хусусиятларини илмий-назарий жихатдан ўрганиш ва ёритиб бериш.

Ишнинг вазифалари: Дарс жараёнида янги педагогик технологиялар, уларни ташкил қилиш шакллари ва усуллари, информацион ва инновацион методларни қўллаш технологияларини таҳлил қилган ҳолда баён қилиш.

Ишнинг тузилиши: Кириш, асосий қисм - 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

Ишнинг мазмуни янги педагогик технологиялар ва уларни ташкил этиш хусусиятлари, тиббиёт ўқув юртларида информацион ва телекоммуникацион технологиялар, тиббий таълимда инновацион методларни қўллаш технологияси каби мавзуларда ўз ифодасини топган.

Хулоса: Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормокда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса,

замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Табиийки, бунда керакли ўқув мақсадларига эришиб, юқори ва самарали натижалар келиб чиқишига олиб келади.

Илмий раҳбар:

Мирзаева Ш.Р.

Талаба:

Пўлатова Г.Ф.